

# Товар (маҳсулот) етказиб беришга ШАРТНОМА

Наманган шаҳри  
(шартнома тузилган жой)

№ 38

2022 йил " 19 " август

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бюджет ташкилот" деб юритилувчи Вилоят боқалар  
Милла Фарқи Нураи Осма раҳбари А. Абидов иккинчи  
томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **Наманган «Тибтехника»**  
**масъулияти чекланган жамияти** номидан директори **А. Абидов** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар  
тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га дорин ва тиббий буюмлар (кейинги ўринларда - "Товар (маҳсулот)" деб юритилади) етказиб бериш, "Бюджет ташкилоти" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Товар (маҳсулот)"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. "ТОВАР (МАҲСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

- 2.1. Етказиб бериладиган "товар (маҳсулот)" сифат сертификатига эга бўлиши шарт.
- 2.2. "Бюджет ташкилоти" га "Товар (маҳсулот)" билан бирга : мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этилади.
- 2.3. "Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" учун 30 ой муддатга кафолат берилди.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бюджет ташкилоти" тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ғазна ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

Таъминотчи товар (иш, хизмат) ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан жавоб бериши;  
Бюджет ташкилоти товар(иш, хизмат)ни қабул қилиш, олинадиган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ва тўлов (аванс) ҳужжатларини тўғри ва ҳаққоний расмийлаштириш ва ўз вақтида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва харажатлари тўловини назорат қилиш бўлимига тўлаб бериш учун топшириш;

3.2. "Бюджет ташкилоти"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (маҳсулот)" "Бюджет ташкилоти"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (маҳсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" шунга ўхшаш "Товар (маҳсулот)" билан алмаштирилишини;  
- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Бюджет ташкилоти" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғрилишни харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.3. "Бюджет ташкилоти"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.4. "Етказиб берувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Бюджет ташкилоти"га "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ унинг буюртманомасига асосан белгиланган муддатларда, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекиншига йўл қўйган бўлса, "Бюджет ташкилоти"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда ичида бартараф этиши.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати : **600000,00 олти юз минг сум 00 тийинни ташкил этади.**  
**ККСсиз**

Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

4.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Маҳсулот "Бюджет ташкилоти"нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3. Олиннадиган маҳсулот учун олдиндан 30 фоиз тўлов амалга оширилади ва маҳсулот берилишига қолган 70% суммани маҳсулот олинган кундан бошлаб 30 кун ичида тўлаш шарт билан ҳам шартнома тузилиши мумкин.

4.4. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. "Бюджет ташкилоти"нинг келишилган ҳолда "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.5. "Бюджет ташкилоти" муддатлар бузилган ва маҳсулот сифати қониқтирмаган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга қирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдирish сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита "Бюджет ташкилоти"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар етказиб берилган "Товар (махсулот)"нинг сифати, ассортименти, стандарт ва техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Етказиб берувчи» "Товар (махсулот)" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. "Товар (махсулот)" етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган "Товар (махсулот)"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га "Товар (махсулот)" етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.5. "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Товар (махсулот)" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур ҳарзда бажаришдан ва "Товар (махсулот)" етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.6. Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Бюджет ташкилоти" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қўзда тутилган нормаларга асосан қўлланилади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Бюджет ташкилоти» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқлангандан ҳамда Газначилик бўлимидан руйхатдан утказилгандан сўнг кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда ва томонларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил « 31 » декабр гача

9.3. Мазкур шартнома уч нусхадан тузилди. Шартноманинг уччала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### «Етказиб берувчи»

### «Бюджет ташкилоти»

<p><b>Наманган «Тибтехника» МЧЖ</b></p> <p>(товар,хизмат курсатувчи номи)</p> <p>Адрес: Наманган шаҳри Беруний соҳили 2-уй</p> <p>Тел/факс_ 227-49-45</p> <p>Х/р 20208000100306868001 _____</p> <p><u>Трастбанк Наманган булими</u> (хизмат курсатувчи банк номи)</p> <p>МФО_01060 ИНН_200057169 ОКОНХ_71150</p> <p>Ташкилот раҳбари _____ Абидов А. (Ф.И.О)</p> <p>_____ (имзо)</p> <p>М.У _____</p>	<p><i>Взносът бөлөпөр сизга</i> <i>мадрий турам саяс.</i> <i>Наманган шаҳри М.Рахимова</i></p> <p>Адрес: _____</p> <p>Ш.х.в.* <u>100021860144017043401034001</u></p> <p>МФО 00014 ИНН <u>200055511</u> ОКОНХ95120</p> <p>Ўзбекистон Респ.Молия Вазирлиги газначилиги _____ (газначилик булинмалари номи)</p> <p>Газна Х/в 23402000300100001010 _____</p> <p>Банкнинг номи <u>Марказий банк ББ ХККМ Тошкент шаҳар</u> булими <u>СТИРИ</u> 201122919 _____</p> <p>Раҳбар _____ <i>А. Ботиров</i> (Ф.И.О)</p> <p>М.У _____ (имзо)</p>
---	--

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси» ва «Хўжалик субъектларининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида»ги 29.08.1998 йилдаги №670-1-сонли қонуни талаблари асосида тузилган. Шартнома шартлари ва ўртада келиб чиққан низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонуни асосида тартибга солиниши кўзда тутилган.

«Эвикция» Адвокатлик Бюроси  
Адвокат

Лицензия №125

Дадабаев Т.Д

24.12.2018 йилда берилган



Наманган «Тибтехника» МЧЖ ва Вилоят Бюджет ширкаси  
Биринчи қўраш соҳасида ўртасида тузилган  
 2022 йил «19» Энвар даги 38 - сонли шартномага  
 1-илова

Етказиб бериладиган маҳсулотларнинг миқдори ва нархи

СПЕЦИФИКАЦИЯ си

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирл.	Миқдори	Нархи	суммаси	ККС	Етказиб беришни ККС ҳисобга олинган қиймати
1	Бир мартаба кулланиладиган стерил шприц 5 мл	дона	500	550,00	275 000,00	0,00	275 000,00
2	Бир мартаба кулланиладиган стерил шприц 10 мл	дона	500	650,00	325 000,00	0,00	325 000,00
Жами:					<b>600 000,00</b>	<b>0,00</b>	<b>600 000,00</b>

Шартноманинг умумий қиймати: 600000,00 олти юз минг сум 00 тийинни ташкил этади.  
 ККСсиз

«Етказиб берувчи»

«Бюджет ташкилоти»

<p><b>Наманган «Тибтехника» МЧЖ</b>                      (товар, хизмат курсатувчи номи)</p> <p>Адрес: Наманган шаҳри Беруний соҳили 2-уй                      Тел/факс_ 227-49-45</p> <p>Х/р 20208000100306868001</p> <p><u>Трастбанк Наманган булими</u>                      (хизмат курсатувчи банк номи)</p> <p>МФО 01060_ИНН 200057169 ОКОНХ_71150</p> <p>Ташкилот раҳбари <u>Абидов А.</u>                      (Ф.И.О)</p> <p>_____ (имзо)</p> <p>М.У</p>	<p><u>Вилоят Бюджет ширкаси</u>                      (товар, хизмат курсатувчи номи)</p> <p>Адрес: <u>Наманган шаҳри М. Раҳимов 405</u>                      Ш.х.в* <u>10002186014401704340108900</u>                      МФО 00014 ИНН <u>200055519</u> ОКОНХ95120</p> <p>Ўзбекистон Респ. Молия Вазирлиги газначилиги _____                      (газначилик булинмалари номи)</p> <p>Газна Х/в 23402000300100001010 _____</p> <p>Банкининг номи <u>Марказий банк ББ ХККМ Тошкент шаҳар булими</u> СТИРИ <u>201122919</u></p> <p>Раҳбар <u>А. Ботқуров</u>                      (Ф.И.О)</p> <p>_____ (имзо)</p> <p>М.У</p>
---	---

